JIZZAX VILOYATI PAXTAKOR TUMANI HOKIMI
QARORI

2021 - yil 31 - dekabr 190-3-52-Q/21 Paxtakor tuman hokimligi

Туманда марказлашган сув таъминотига эга бўлмаган ҳудудларга тоза ичимлик сувини ташиб етказиб бериш хизматлари учун янги тарифларни белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15-июлдаги “Кўрсатиладиган коммунал хизматлар қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 194-сонли қарорининг 2-иловаси 8-боб 118-моддаси ижросини таъминлаш ҳамда туманда марказлашган ичимлик суви таъминотига уланмаган аҳоли хонадонларига ичимлик сувини ташиб етказиб беришни ташкил этиш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 5, 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15-июлдаги “Кўрсатиладиган коммунал хизматлар қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 194-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15-июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган 2-илованинг 8-боб 118-бандига асосан қуйидагилар:

- ичимлик сувини локал сув таъминоти тизимларидан махсус автотранспорт билан етказиб бериш тартибини, аниқ муддатларини, миқдорини, пунктларини белгилаш;

- ҳар бир пунктга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини

етказиб берувчи масъулларни белгилаш;

- нархларни тартибга солувчи органлар билан келишган ҳолда локал сув таъминоти тизимларидан ва автотранспорт воситасида етказиб берилган ичимлик суви учун нархларни белгилаш” белгилаб қўйилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туманда марказлашган ичимлик суви таъминотига уланмаган аҳоли хонадонларини ичимлик сувини ташиб етказиб бериш тартибини, аниқ муддатлари, миқдорини ва нархлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ туман филиали (Ф.Кубаев)га туманда марказлашган ичимлик суви таъминотига уланмаган аҳоли хонадонларини белгиланган тартибда, муддатларда ва миқдорларда тоза ичимлик сувини ташиб етказиб бериш етказиб берилиши учун шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ туман филиали (Ф.Кубаев)га туманда марказлашган ичимлик суви таъминотига уланмаган аҳоли хонадонларини белгиланган тартибда, муддатларда ва миқдорларда тоза ичимлик сувини ташиб етказиб бериш етказиб берилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлиги матбуот котиби (Р.Қурбонов), “Пахтакор ҳаёти” газетаси таҳририяти (М.Тўхташева) мазкур қарор ҳокимликнинг www.jizpaxtakor.uz расмий веб-сайтида ҳамда туман газетасида чоп этилсин ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Ушбу қарор расман эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Маматкулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Бабаев**

Пахтакор туман ҳокимининг
2021 йил 31 декабрдаги
190-3-52-Q/21-сон қарорига
1-илова

Пахтакор тумани ҳудудида сувлашмаган аҳолига ичимлик сувини ташиб еказиб берилиши тўғрисида

№	МФЙ номи ва манзили	Кўча номи	Хонадон сони	Аҳоли сони	Бириктирилган техника	Ҳажми, сиғими (тонна)	Бириктирилган ходим	Сув етказиб бериш вақти	Ўртача етказиб бериладиган сув миқдори. Тн	Бир куб сув нархи (сўм)	Бир кунда етказиб бериладиган сувнинг ўртача суммаси (сўм)
1	Буюк ипак йўли	Халқаробод кўчасида якка тартибдаги янги участкалар	121	492	Shacman	25,0	Хасанов Ғайрат	8:00	25,0	2 550,0	63 750,0
2		Боғдон кўчасида якка тартибдаги янги участкалар	100	421	Shacman	25,0	Хасанов Ғайрат	9:00	25,0	2 550,0	63 750,0
3		Оқ-олтин кўчасида якка тартибдаги янги участкалар	52	218	Shacman	25,0	Хасанов Ғайрат	10:00	25,0	2 550,0	63 750,0
4	Мингчинор	Тўмарис қишлоғидаги янги тартибдаги участкалар	138	578	Shacman	25,0	Хасанов Ғайрат	11:00	25,0	2 550,0	63 750,0
5		Хамза кўчаси янги тартибдаги участкалар	23	95	Shacman	25,0	Хасанов Ғайрат	12:00	25,0	2 550,0	63 750,0
6	Чаманзор	Уч том қишлоғидаги янги тартибдаги участкалар	15	68	Shacman	25,0	Хасанов Ғайрат	14:00	25,0	2 550,0	63 750,0
7		Чорвадор қишлоғидаги янги тартибдаги участкалар	45	184	Shacman	25,0	Хасанов Ғайрат	15:00	25,0	2 550,0	63 750,0
8	Оқ-булоқ	Пахтачи қишлоғидаги янги тартибдаги участкалар	155	628	Shacman	25,0	Хасанов Ғайрат	16:00	25,0	2 550,0	63 750,0
9		Чорвадор қишлоғидаги янги тартибдаги участкалар	45	184	Shacman	25,0	Хасанов Ғайрат	17:00	25,0	2 550,0	63 750,0